

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Х У К М

2025 йил [REDACTED] жиноят ишлари бўйича Қонликўл туман суди жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг очиқ суд мажлиси, М.Бекимбетов раислигида, судья ёрдамчиси Т.Нурлеспесов котиблигида, давлат айбловчиси Қонликўл туман прокурорининг ёрдамчиси М.Умаров, жабрланувчилар [REDACTED]

[REDACTED] рокида,  
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED]

[REDACTED] жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш хужжатларига кўра:

[REDACTED] куни Нукус шаҳрида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати қорақалпоқ, ишсиз, бўйдоқ, муқаддам:

1). [REDACTED] айбли деб топилган, ЖКнинг 71-моддасига асосан жазодан озод қилинган;

2). [REDACTED] деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, 12.10.2016 йилга амнияти актига асосан жазо муддати 3/1 қисмига қисқартирилган, ЖКнинг 72-

[REDACTED] нлик муддати тугалланган;

3). [REDACTED] “а” банди билан билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси 3-қисми тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

а). [REDACTED] ажрими билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган 3 йил 7 ой 28 кун муддати ЖКнинг 74-моддаси тартибида шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

б). [REDACTED] кун муддати ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, ҳозирда шу жазосини ўтаб келган;

[REDACTED] камоқ эҳтиёт чораси

қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 1 апрель куни қонуний муддат ичида олган.

Суд жиноят иши бўйича судланувчи, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогар кўрсатувларини, давлат айбловчиси ва адвокатнинг фикрини, тарафларнинг музокараси, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, уларни жиноят иши ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб қўйидагиларни,

#### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи хавфли рецидивист [REDACTED] муқаддам бир неча маротаба ўғирлик жиноятини содир қилиб, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланганлигидан ўзига тегишли ҳулоса чиқармасдан, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, [REDACTED] нг эшиги очик қолганлигидан фойдаланиб, уйга ғайриқонуний равишда кириб, [REDACTED] фойдаланиб, унга билдирмасдан [REDACTED] телефонини, 1 дона банк пластик картаси, фуқаролик паспорти ҳамда 50 минг сўм пуллари солинган ҳамёнини яширин равишда талон-торож қилган.

Шундай қилиб судланувчи [REDACTED] ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандидаги “ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса” деб кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилган.

Бундан ташқари хавфли рецидивист [REDACTED] г эшиги очик қолганлигидан фойдаланиб, уйга ғайриқонуний равишда кириб, [REDACTED] и ID паспортини ҳамда 50 минг сўм пуллари солинган ҳамёнини яширин равишда талон-торож қилган.

Шундай қилиб судланувчи [REDACTED] ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган “паспорт ёки идентификацияловчи ID карта, ҳарбий билет ёки бошқа муҳим шахсий ҳужжатларга нисбатан ёхуд ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, худди шунингдек уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яшириш” – деб қайд этилган жиноятни қасдан содир қилган.

Бундан ташқари, хавфли рецидивист С [REDACTED] куни соат [REDACTED]

███нги эшиги очик қолганлигидан фойдаланиб, уйга ғайриқонуний равишда кириб, биринчи ётоқхонада ухлаб

███ телефонини очикдан-очик талон-тарож қилган.

Шундай қилиб судланувчи ███ хатти-харакатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “б” бандидаги “Талончилик, яъни ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган бўлса” деб кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган.

Судланувчи ███ мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб,

███ фойдаланиб пулга зарур бўлганлиги сабабли ичкарига пул олиб чиқиш мақсадида кирганлигини, хонада ётган бир қизнинг 1 дона Редми 12 русумли телефонини, 1 дона банк пластик картаси, фуқаролик паспорти ва 50.000 сўм солинган ҳамёнини ўғирлаб, иккинчи хонага кириб у ерда ҳам ухлаб ётган қизнинг ёнидаги Айфон 11 русумли телефонини ўғирламоқчи бўлган вақтида, кийимининг замоги у қизнинг юзига тегиб уйғониб кетганлигини ва ёрдамга чақириб боқирганлиги сабабли ташқарига чиқиб қочганлигини, Айфон 11 телефонини эташдан тушиб кетаётиб 3 этажда телефонни ерга қўйиб кетганлигини, кейин 1 этажда озирок вақт телефонни ўзи олган ёки олмаганлигини билиш учун иркилиб турганлигини, кейин олганлигига ишонч ҳосил қилиб кетиб қолганлигини, кейин эртаси куни Нукус шаҳар бозорга бориб бир болага 1 дона Редми 12 русумли телефонини 200.000 сўмга сотиб юборганлигини, нарсаларни қайтариб берганлигини, қилган ўғирлик ишларидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ва айбига тўлиқ иқрорлигини, ҳозирда содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, моддий томондан оғир аҳволда бўлганлиги сабабли юқоридаги жиноятни содир этганини айтиб, суддан қонун доирасида енгиллик беришни сўради.

Судланувчи ███ ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, уларнинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айблари суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан:

Жабрланувчи ███ Қорақалпоқ давлат университетининг қорақалпоқ тили факултетига, сиртки таълим шакли бўйича шартнома (контракт) асосида ўқишга қабул қилинганлигини, ҳозирги вақтда учинчи курс талабаси эканлигини, йилига икки мартоба ўқишга келиб кетишини, ўзи Мўйноқ туманида яшаганлиги сабабли, ўқиш вақтида

қариндошларининг уйида яшаб ўқиб юрганлигини, [REDACTED]

[REDACTED] томонда яшайдиган

опасининг уйида яшаганлигини, опасининг уйида турмуш ўртоғи ва оила аъзолари бўлганлиги сабабли, [REDACTED] билан ижарага чиқишга қарор қилганлигини, кейин ўзлари билан бирга гўзаллик салоида ишловчи [REDACTED] исмли қиз ҳам ижарада яшашини айтганлигини, декабрь ойи охирида Нукус шаҳри [REDACTED]

қизлар ҳам яшаётганлигини, бу уй икки хонадан иборат бўлиб, биринчи ётоқхонада ўзи, [REDACTED], иккинчи ётоқхонада бўлса [REDACTED]

[REDACTED] ни, шу боис ўзларининг кийимларини ҳам ўзлари ухлайдиган хонасига қўйишини, озиқ-овқат ва коммунал тўловларни бўлса биргаликда тўлашини, уйда олти нафар қиз яшаганлиги сабабли ҳар доим бир қиз бўлганлигини, ейда ҳеч ким қолмайдиган вақтда бўлса, уйнинг калитини эшик олдидаги гиламча тагига қўйиб кетишини, 2025 йил 24 январь куни соат 09-00ларда [REDACTED] келиб уйғотиб ишга кетаётганлигини, ўзидан ҳам ишга бориш-бормаслигини сўраганлигини, унга ишга кейинроқ боришини, унинг ўзи кетаберишини айтганлигини ва хонада ёлғиз ўзи ухлашни давом эттирганлигини, иккинчи хонада бўлса [REDACTED] ухлаб ётганлигини, [REDACTED] бўлса бир кун аввал дугоналарининг уйида тунаб қолишини айтиб кетганлигини, ухлаб ётган вақтида [REDACTED] “жардем берин, тоқта, ури түсти” деб қаттиқ бақирганлигини, ўзи унинг овозидан уйғониб кетиб, коридорга чиқган вақтида ташқи томондаги эшик очиқ турганлигини, зинадан [REDACTED] нотаниш бўлган, устида қора рангли кепка кийган эркак кишининг орқасидан қувиб бораётганлигини, кейин [REDACTED] каватда ўзининг телефони олиб, зинада ўтирганлигини, ундан нима бўлганлигини сўраганида телефони белгисиз шахс ўғирлаганлигини айтганлигини, унга телефони қўлида эканлигини айтса, ўғрининг орқасидан қувгани учун телефони подьездга ташлаб кетганлигини айтганлигини, ўзи ухлаётган хонага кириб, ўзининг телефони кидириб кўрса, телефони ҳамда фуқаролик паспорти, банк пластик картаси, 50.000 сўмга яқин пуллари солинган ҳамёни йўқолганлигини билганлигини, ўзи ухлаб ётган вақтида уйга кирган ўғри ўзининг буюмларини ўғирлаб кетганлигини билганлигини, шундан сўнг йиғлаб юборганлигини ва бу ҳақида [REDACTED] га кўнғироқ қилиб, мурожаат қилганлигини, уйга кирган шахс ким эканлигини билмаслигини, ҳозирги вақтда нарсаларини қайтариб олганлигини, келтирилган зарарлар бўйича даъвоси йўқлигини, лекин кеширим бермаслигини, тегишли тартибда қонуний жазосини олишини айтиб берган кўрсатувлари билан;

Жабрланувчи [REDACTED] ахборот технологиялар университети Нукус филиалига, кундузги таълим шакли бўйича контракт асосида ўқишга қабул қилинганлигини, ҳозирги вақтда 3 курс талабаси эканлигини, ўзи Қўнғирот туманида яшаганлиги сабабли, ўқиш вақтида курсдошлари билан бирга ижарада яшаб келишини, 2024 йилнинг декабрь ойида ўзи билан бирга яшаб юрган курсдош қизлари бошқа уйга

ижарага чиқиб кетганлигини, кейин ўзи [REDACTED] исмли дугонаси билан ижарага уй қидира бошлаганлигини, шу тариха декабрь ойи охирида ўзи,

[REDACTED] ага қўчиб борганлигини, бу уй икки хонадан иборат бўлиб, унинг ижара пули учласига қимматлик қилганлигини, шу тариха ёнига яна уч нафар қиз, яъни [REDACTED] ижарага олганлигини, улар учтаси бир хонада, иккинчи хонада бўлса ўзи, [REDACTED] ухлашини, шу боис ўзларининг кийимларини ҳам ўзларини ухлайдиган хонага қўйганлигини, озиқ-овқат ва коммунал тўловларни бўлса биргаликда тўлашини, уйда олти нафар қиз яшаганлиги сабабли ҳар доим бир қиз уйда бўлишини, уйда ҳеч ким қолмайдиган вақтда бўлса, унинг калитини эшик олдидаги гиламча тагига қўйиб кетишини, ўзи ҳар доим ухламасидан аввал ўзига тегишли бўлган телефонини ёстиғи ёнига қўйиб ётишини, 2025 йил

[REDACTED] ва нима экан деб кўзини очса, ўзига таниш бўлмаган, бошига қора рангли кепка, қора куртка ва қора шим кийган эркак киши телефонини олмоқчи бўлиб қўлини чўзаётганлигини, ўзи бундан қўрқиб кетиб, “баланд овозда ўғри келди” деб бақириб юборганлигини ва унинг қўлини ушлаб олмоқчи бўлганлигини, бироқ у қўлини силтаб, [REDACTED]

[REDACTED] нима бўлди деб сўраганлигини, уларга уйига ўғри кирганлигини ва ўзининг телефонини ўғирлаб кетмоқчи бўлганлигини, унинг орқасидан учинчи қаватгача қувиб борганлигини ва у ўзининг телефонини ташлаб қочиб кетганлигини айтганлигини, сўнг [REDACTED] хонасига кириб кетиб, бақириб йиғлаб юборганлигини ва унинг телефони билан ҳамёни ўғирланганлигини айтганлигини, шундан сўнг ИИБнинг 102 рақамига кўнғироқ қилиб, ариза билан мурожаат қилганлигини, орадан озгина вақт ўтиб уйига ИИБ ходимлари келганлигини ва уларга бўлган ҳолат бўйича айтиб, тушинтириш хати ёзиб берганлигини, уйига кирган шахс ким эканлигини билмаслигин, ўзи унинг юз қиёфасини кўролмасдан қолганлигини, сабаби бу вақтда ўзи энди уйқидан уйғонаётганлигини, шундан сўнг қўрқиб, бу уйдан бошқа жойга қўчиб кетганлигини, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб берган кўрсатувлари билан;

[REDACTED] савдо растасида телефон сотиш билан шуғулланиб келишини, асосан фуқаролардан ишлатилган телефонларни арзонроқ нархда сотиб олиб, унинг устига озгина пул қўшиб сотишини, фуқаролардан ишлатилган телефонларни сотиб олмасдан

аввал унинг хужжати (коробкаси) бор йўқлигини текширишини, шундан сўнг телефон сотаётган фуқародан телефон кимга тегишли эканлигини, у ўғирлик эмаслигини сўрашини, агар фуқаро телефон ўзига тегишли эканлигини айтса, ундан фуқаролик паспорт нусхасини олиб қолишини ёки телефон сотаётган фуқарони расмга тушириб олиб қолишини, [REDACTED] телефон рақамига бир шахс кўнғироқ қилиб, телефонини сотмоқчи эканлигини айтганлигини, бу вақтда уйда дам олаётганлиги сабабли унга эртага бозорга келишини айтганлигини, бироқ бу шахс ўзидан аввал ҳам телефон олиб-сотиб юрганлигини айтганлигини, кейин уни ўзининг уйи томонга келишини айтганлигини, орадан озгина вақт ўтиб, кўнғироқ қилган шахс уйи томонга келганлигини айтганлигини, уйининг олдида чикқан вақтида, исмини кейинчалик билиши бўйича Саламат экан, келиб турганлигини, у аввал ўзидан бир неча мартаба телефон сотиб олганлигини, шу боис унинг юз қиёфасини эслаб қолганлигини, шунингдек айрим вақтлари [REDACTED] телефонини ўзига қайтариб сотиб ҳам кетганлигини, [REDACTED] бўлган Редми нот 12 русумли телефонини сотмоқчи эканлигини, дадаси касал бўлиб қолганлигини, шу сабабли дадасига дори олишини, бироқ пули йўқ эканлигини, шу сабабли телефонини сотмоқчи эканлигини айтганлигини, Шундан сўнг ундан телефони олиб, уни кўздан кечирганлигини, ушбу телефон ўртача ҳолатдаги телефон бўлиб, ушбу телефонни бозорда 450-500 минг сўмларга сотиш мумкинлигини, шундан сўнг телефоннинг галерея, контакт бўлимига кириб кўрганлигини ва уларда ҳеч нарса йўқлигини билганлигини, Шундан кейин ундан телефон ўғирлик эмасми деб сўраганлигини, у телефон ўғирлик эмаслигини, шу кунга қадар ўғирлик қилмаганлигини, ўзини алдамаслигини, ўзидан аввал ҳам телефон олиб-сотиб юрганлигини айтганлигини, шу боис унинг гапларига ишонганлигини ва ундан телефонни 200.000 сўмга сотиб олиб қолганлигини ва пулларни нақд пул шаклида бериб юборганлигини, эртаси куни бозорда ўтирган вақтида, ёнига фуқаролик кийимидаги шахслар келиб, ўзларини ИИБ ходимлари деб таништирганлигини ва ўзидан бир неча кун аввал Редми нот 12 русумли телефон сотиб олиб қолмадингми деб сўраганлигини, уларга 25 январь куни [REDACTED] русумдаги телефон сотиб олиб қолганлигини айтганлигини ва уларга телефонни кўрсатганлигини, ИИБ ходимлар ушбу телефонни кўриб, бу телефон ўғирлик бўлиши мумкинлигини айтганлигини, ўзи шу кунга қадар ўғирлик орқали қўлги киритилган телефон сотмаганлиги сабабли ушбу телефонни ИИБ ходимларига такдим қилганлигини ҳамда бўлган ҳолат бўйича тушинтириш хати ёзиб берганлигини, ўзи бу телефоннинг ўғирлик эканлигини билмаганлигини, агар ўғирлик эканлигини билганида уни [REDACTED] сотиб олмаган бўлишини, келтирилган зарардан бош тортишини ва судланувчидан талаб қилмаслигини, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб берган кўрсатувлари билан;

Баён этилганлардан ташқари, судланувчи ўзига қўйилган айбга тўлиқ иқроор эканлигини билдирган уларнинг айби жиноят иши бўйича тўпланган қуйидаги инкор этиб бўлмайдиган исбот ва далиллар билан ўз тасдиғини топган, яъни, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, схемаси ва фото

жадвал, ашёвий далилларни олиш баённомалари билан, нарсани таниб олиш баённомалари билан, иш бўйича жабрланувчиларнинг, фуқаровий даъвогарнинг берган кўрсатмалари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиғини топди.

Суд, иш бўйича мавжуд, юқорида келтирилган далилларни муҳокама қилиб, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, уларни тўлиқ асосли, судланувчи ██████████ суд мажлиси жараёнида аниқланган ҳолатлардаги жинойи айбини эса тўлиқ тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ██████████ жинойи ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди, 227-моддаси 2-қисми “а” банди ва 166-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди ва ушбу моддалар билан унинг жавобгарлик масласини ҳал қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарорининг 17-бандига асосан, Рецидив жиноят деб топиш учун шахс томонидан муқаддам содир этган жинояти учун судлангандан сўнг янги жиноят содир этилганлиги талаб этилиши туфайли охириги жиноят содир этилган вақтни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, ЖПК 528, 531-моддалари мазмунига кўра, шахс унга айблов ҳукми қонуний кучга кирганлиги тўғрисида эълон қилинган пайтдан бошлаб судланган деб топилади. Ҳукм эълон қилинган вақтдан бошлаб унинг қонуний кучга кирганлиги маҳкумга эълон қилингунга қадар ўтган вақт ичида содир этилган янги жиноят рецидив жиноятни ташкил этмайди. 20-бандида, Хавфли рецидив жиноят деб топишни қонун шахснинг илгари содир этган жинояти учун судлангандан кейин унга айнан ўхшаш янги жиноятни қасдан содир этиши билан боғлайди. Айнан ўхшаш жиноятлар деганда: шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган (агар моддада бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса); шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси айнан бир қисмида назарда тутилган (агар моддада турли жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса, масалан, ЖК 228, 248, 273-моддалари) жиноятларни янгидан содир этиш тушунилиши лозим. Жиноят қонунида алоҳида назарда тутилган айрим ҳолларда, шахс илгари судланган жиноятларга айнан ўхшаш бўлмаган янги жиноятнинг қасдан содир этилиши ҳам хавфли рецидив жиноят деб топилади (масалан, ЖК 105, 118, 119, 210, 211, 212, 274, 276-моддалари иккинчи қисмлари, 104, 164, 213, 214, 273-моддалари учинчи қисмлари, 131-моддаси тўртинчи қисми). 21-бандида Жиноят кодекси 34-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ўта хавфли рецидив жиноят деб топиш учун янги содир этилган жиноятнинг нафақат оғирлиги, балки шахс илгари оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган бўлиши шартлиги ҳам аҳамият касб этади. Бунда суд ҳар доим, ҳатто шахс кейинчалик жазодан озод қилинган ёки жазо енгилроғи билан алмаштирилган ҳолларда ҳам (ЖК 72-76- моддалари) суд

томонидан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқиши шарт, судланганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ҳоллар бундан мустасно, деб раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд юқаридагиларга асосан судланувчи [REDACTED] шахсига оид маълумотларга кўра илгари;

1).

[REDACTED] 1-қисми билан айбли деб топилган, ЖКнинг 71-моддасига асосан жазодан озод қилинган;

2).

[REDACTED] “б” банди билан айбли деб топилиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, 12.10.2016 йилга амнияти актига асосан жазо [REDACTED]

муддати тугалланган;

3).

[REDACTED] -моддаси 3-қисми “а” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” ва 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси 3-қисми тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

а). [REDACTED] суднинг ажрими билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган 3 йил 7 ой 28 кун муддати ЖКнинг 74-моддаси тартибида шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

б). [REDACTED] суднинг ажрими билан тайинланган ахлоқ тузатиш жазосининг ўталмаган 3 йил 2 ой 12 кун муддати ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, ҳозирда шу жазосини ўтаб келгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандига асосан жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғирлик ҳисобланади.

Шу Пленум қарорининг 2-бандида “айбдор томонидан содир этилаётган воқеани тушуниб етиш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, ёши жуда кичиклар, руҳий жиҳатдан ақли норасолар, алкогольдан ёки наркотик моддалардан кучли мастлик даражасида бўлган ёки ухлаб қолган) шахсларнинг мулкани ўғирлаш ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш деб тавсифланиши керак” деб кўрсатилган.

Қарорининг 5-бандида “ўзгалар мулкани талончилик ва ўғирлик билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, босқинчилик эса жабрланувчининг ҳаёт ва соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб ҳужум бошланган вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланади” деб раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, амалдаги қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши ҳақида; 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида;

Олий суд Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо чораси ва турини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги ва “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорларидаги раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида, илгари қасддан жиноят содир этиб, қасддан янги жиноят содир этганлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида қилмишдан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, суд мажлиси давомида пушаймонлиги унга ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум жазоси тайинлашни, ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “б” банди санкциясида назарда тутилган озодликдан

махрум жазоси тайинлашни ва ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди санкциясида назарда тутилган озодликдан махрум жазоси тайинлашни, тайинланган жазоларни ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил озодликдан махрум жазоси тайинлашни, бу

қисмига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисмини ЖКнинг 60,61-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан, узил-кесил озодликдан махрум жазоси тайинлашни, тайинланган жазони ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “в” банди талабига асосан қаттиқ тартибли колонияларда ўташликни, жазони ўташ муддатини 26.01.2025 йилдан бошлаб ҳисоблашни ва белгиланган эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни белгилашни лозим топади.

Шунингдек, суд, жиноят иши бўйича манфаатдор тарафларга етказилган зарарларни ундириш масаласини муҳокама қилиб, Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарори ҳамда жиноят иши бўйича олинган ашёвий далилларнинг кейинги тақдирини муҳокама қилиб, Олий суд Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 9-банди тушунтиришларига асосан:

Иш бўйича жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар келтирилган зарарлар бўйича судланувчи ҳеч қанақа давъвоси йўқлигини инобатга олишни ва шу муносабат билан келтирилган зарарлар тўлиқ қопланган деб ҳисоблашни, жиноят ишига қўшилган 1-дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 462-463, 471-473, 476-моддаларини қўллаб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди, 227-моддаси 2-қисми “а” банди ва 166-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

Судланувчи

ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан махрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи

ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “б” банди билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан махрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи

ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 (бир) йил муддатга озодликдан махрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазолар ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи бўйича жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 (беш) 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Бу жазога

тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил ўташ учун 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Иш бўйича жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар келтирилган зарарлар бўйича судланувчи ҳеч қанақа давъвоси йўқлигини инобатга олишни ва келтирилган зарарлар тўлиқ қопланган деб ҳисоблансин.

Жиноят ишига қўшилган 1-дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлансин.

Хукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

М.Бекимбетов